

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№БД 5A510101

2020 йил "08" 09

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Эмомалӣ Юлдуз

2020 йил "08" 09

ГИНЕКОЛОГИЯ

МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш
Мутахассислик: 5A510101 – Акушерлик ва гинекология

Тузувчилар:

- Саиджалилова Д.Д. ТТА, 1-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси профессори, т.ф.д.
- Юлдашева Д.Ю. ТТА, 2-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, т.ф.д.
- Муминова З.А. ТТА, 1-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, т.ф.д.

Тақризчилар:

- Аюпова Ф.М. ТТА, 1-сонли Акушерлик ва гинекология кафедраси муdiri, т.ф.д., профессор
- Каттаходжаева М.Х. Тошкент Давлат стоматология институти хирурглик йўналишлар кафедраси профессори, т.ф.д.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил "29 июл" даги "18"-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика улуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2020 йил "25" августдаги "2"-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил "8" сентябр даги 236-сонли буйруғининг 5-илоvasи билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

1. Ҷува модулниң долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсадларидан бири тиббиётда хар томонлама камол топган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаб етиштириш, унинг илмий дунёқарашини шакллантиришдир. Мазкур модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва магистратура 5A510101 - акушерлик ва гинекология йўналиши малака талабларига асосланган холда тузилган.

Гинекология модули - клиник тиббиётни асосий қисмларидан бири бўлиб, замон талабларига жавоб берувчи аёлларга тиббий ёрдам қўламини оширишнинг асоси ҳисобланади.

Гинекология илмий ва тажрибавий йўналиши касалликларни этиологиясини, патогенезини, клиникасини, ташхислашни ва даволашни ўрганишни камраб олиб, бўлгуси акушер-гинеколог мутахассисида Соғлиқни Сақлаш тизимининг барча бўғинида аёллар жинсий аъзоларида консерватив ва жаррохлик йули билан даволаш, клиник жихатдан ташхислаш, аёлларни репродуктив тизим аъзоларидаги касалликларида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсата олиш ҳамда доимий даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ўтказиш учун замин яратиб беради.

Гинекология модули мутахассислик блокига киритилган модули ҳисобланиб, магистратуранинг 2 ва 3 курсларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Мутахассислик бўйича назарий ўқитиш семинар машғулотлари тарзида ўтказилади. Амалий ўқитиш (магистрлик амалиёти) акушерлик комплексларда гинекология, реанимация бўлимларида ўтказилиб, бу ерда магистрлар хар бир ротацияга тегишли амалий кўникмалар рўйхатига кўра беморларни курация қиладилар, гинекологик жаррохликлар бажарадилар, кўшимча текширишлар натижаларини мустақил интерпретация қиладилар, даволаш диагностика муолажаларни амалга оширадилар.

2. Ҷува фанининг мақсади ва вазифаси

2.1. *Модулниң мақсади* – замонавий гинекология амалиётида керакли хажмдаги билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

2.2. *Модулниң вазифалари:* гинекологияга оид назарий билимларга, амалий кўникмаларга, услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантиришга ўргатиш.

2.3. *Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:*

Талаба:

- соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти ҳақида;

- ЎЗР тиббиёт соҳасининг ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий йўналишлари) ҳақида;

- соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида;

- соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий сиёсий тамойиллари, стандартлари, истиқболлари тўғрисида;

- тиббийнинг замонавий муаммолари ва ривожланишнинг магистрал йўналишлари, гинекологик касалларни ва патологик ҳолатларни диагностикаси ва даволашда янги технологиялари ҳақида;

- гинекологик касалликлар тўғрисида маълумотлар, этиология ва хавф омилларининг таъсири, патогенезининг замонавий назариялари, таснифлари, диагностиканинг, шу жумладан эрта диагностиканинг замонавий усуллари, турли босқичларда даволаш схемалари, бирламчи ва иккиламчи профилактикаси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш органларининг гинекологик хизматида тегишли бўйруқ ва норматив ҳужжатлар тўғрисида;

- гинекологик касалликлар ва нейрозндокрин синдромларни даволаш жараёнида компьютер технологияларининг ўрни, асосий элементлари, интернет воситалари, ахборотлар кидириш, маълумотларни сақлаш ҳақида;

- операцион тизимлар, электрон почта, конференциялар ва такдимотларни ташкиллаштириш тўғрисида *масавурга эга бўлиши*;

- гинекологик амалиётда «команда» бўлиб ишлаш тамойилларини;

-гинекологик касалликлар симптоматологиясини, биохимик, гормонал, бактериологик, медико – генетик, радиоиimmun, клиник ташхислаш усулларини;

-гинекологик касалликларни инструментал ташхислаш усуллари: пункция, биопсия, баъзи эндоскопик текширувларни;

-гинекологик касалликларни нур ташхислаш усуллари (КТ, МРТ, краниография, гистеросальпингография)ни;

-гинекологик касалликларни ультратовуш ташхислаш усуллари, трансабдоминал ва трансвагинал эхографиясини;

-аёллар репродуктив тизими бузилишини функционал ташхислаш усулларини, асосий таснифи, сабабларини;

-жинсий дифференциялланиш бузилмаган ҳолда жинсий ривожланиш нуксони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш (вақтидан олдин жинсий этилиш, жинсий этилишдан орқада қолишни);

-жинсий дифференциялланиш бузилганда жинсий ривожланиш нуксони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш (тугма адреногенитал синдром (ТАС), вирил синдром, гонада дистенезияси (ГД), кин ва бачадон ривожланиш нуксонлари)ни;

-буйрақусти гиперандрогенимияси патогенез, клиника, қиёсий ташхислаш ва андрогенитал синдромнинг постпубертат шакли, даволашни;

-бирламчи ва иккиламчи амнорея таснифи, клиник шакллари, ташхислаш ва даволашни;

-тухумдонлар резистентлиги синдроми ва тухумдонлар бўшаб қолганлик синдроми, патогенез, клиника, ташхислаш ва даволашни;

-бирламчи тухумдонлар поликистози патогенези (Штейн–Левенталь синдроми) клиникаси, ташхис, даво ва профилактикасини, иккиламчи тухумдонлар поликистози клиникаси, ташхис, даво ва профилактикасини;

4. The Johns Hopkins Manual of Gynecology and Obstetrics¹⁴. Editors: Nicholas CLam-brou, AbrahamN. Morse, Edward E. Wallach, Lippincott, Williams &Wilkins, 2011.

5. Ю.К. Джабарова, Ф.М. Аюпова. Гинекология. Ташкент, 2010.-216с.

6. Критические состояния в акушерстве и гинекологии. Руководство для врачей. Ташкент, 2015.- 132с.

5.2 Қўшимча адабиётлар:

7. Неоперативная гинекология. Сметник В.Н., Тумилович В.П. Медицинское Информационное Агентство. Москва. 2011 г. 440 с.

8. Гинекология. Учебник. Под редакцией Г.М. Савельевой. Москва. ГЭОТАР. МЕД. 2006. 480 с.

9. Передовые практики в акушерстве и гинекологии. Руководство. Д.К. Нажмутдинова с соавт. Ташкент, 2017.500с

10.Руководство по профилактике, диагностике и лечению заболеваний передаваемых половым путем. Под.ред. Капкаева Р.А. Ташкент.- 2014г. Учебное руководство-169с.

11.Сметник В.П., Тумилович Л.Г. Неоперативная гинекология руководство для врачей. М., медицинское информационное агенство.2008.-592с.

12.Кулаков В.И., Селезнева В.И. Оперативная гинекология: руководство для врачей - Н.Новгород.2007-464с.

13.Прилепская С.И., Роговская Е.А. Кольпоскопия.-М.2007.

5.3. Интернет сайтлари

14. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

15. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун Ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

16. www.fma.uz.

17. www.med-info.ru

18. www.rosmedlib.ru

19. www.pubmed.com

20. www.ziyounet.uz

21. www.medlinks.ru

- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- моделлар яшаш, кроссвордлар тузиш, организерлар тузиш, тестлар тайёрлаш ва х.к.

Малакавий амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Малакавий амалиёт даврида магистратура талабаси кўнама-кўна малакавий амалиёт журналы шаклида тўлдириб боради. Амалиёт раҳбари томонидан ҳар бир амалиёт куни даврида бажарилган ишлар ҳажми баҳоланади ва кундалик имзоланади.

Малакавий амалиёт журналидаги маълумотлар талабанинг амалий кўникмаларга эга бўлганлик даражаси ҳақида маълумот беради.

Малакавий амалиёт тугатилган сўнг малакавий амалиёт журналы охирида амалиётга жавобгар шахс томонидан талабанинг иши баҳоланади ва унга тавсифнома ёзилади, у муассаса муҳри билан тасдиқланади ва малакавий амалиёт журналы топирилади. Агар бажарилган ишни ифода этган кундалик топирилмас, амалиёт ўтилмаган деб ҳисобланади.

Малакавий амалиётни якуний баҳолашни тузилган комиссия амалга оширади. Комиссия аъзолари ОТМ ректори томонидан буйруқ асосида тузилади.

Малакавий амалиётнинг якуний баҳолаш натижалари комиссия томонидан қайдонома варақасига киритилади ва дастур директори томонидан рейтинг дафтаричасига тўлдирилади. Малакавий амалиёт дастурини (сабабли, сабабсиз) бажармаган талабалар якуний баҳолашга киритилмайди ва академик қарздор талаба сифатида муаммолари магистратура бўлими ва ректорат томонидан кўриб чиқилади ва индивидуал қарор қабул қилинади (расмийлаштирилади).

5. Асосий ва кўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.

5.1 Асосий адабиётлар:

1. Гинекология: учебник / Б.И. Байсова [и др.]; под ред. Г.М. Савельевой, В.Г. Бреусенко. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018. - 432 с.: ил. NF0006432.
2. "Benson&Pernoll's handbook of Obstetrics& Gynecology" Martin L. Pernoll, M.D. 2011.
3. "Obstetrics and Gynaecology" Joan Pitkin, Alison B. Peattie, Brian A. Magowan, 2013.

-замонавий репродуктив технология назарий асосларини урганиш;

-бачадондан қон кетиш сабаблари, уларнинг таснифини (бачадондан аномал қон кетиш ва бачадондан органик қон кетиш, номенструал посткоитал қон кетиш), пубертат ёшдаги, репродуктив ёшдаги ва пременопаузал ёшдаги бачадондан аномал қон кетишининг (БАҚҚ) этиопатогенези, клиника, ташхис, профилактика ва оқибатини, БАҚҚни даволаш тамойилларини, бачадондан органик қон кетиши сабаблари, ташхислаш, киёсий ташхислаш, даволашни;

-менструация олди синдроми: учраш сони, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибатини;

-посткастрацион синдроми: учраш сони, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибатини;

-климактерик синдроми, симптоматика, патогенез, даволаш, нофармокологик давоси, ногормонал воситалар билан даволаш ва гормонал терапия, шунингдек эстроген-дефицит метабolik бузилишни даволаш (урогенитал синдром, атрофик кольпит ва остеопороз) ва профилактикасини;

-жинсий аъзолар пастки бўлимининг яллиғланиш касалликлари клиник шакллари, симптоматикаси, ташхислаш ва даволашни, жинсий аъзоларнинг хламидиоз, уреаплазмоз ва вирусли касалликларини, кичик чаноқ аъзолари носпецифик яллиғланиш касалликлари, инфекция тарқалиш йўллари, таснифи, клиника, ташхислашни, специфик яллиғланиш касалликлари (гонорея, сил, ОИТС) клиникаси, ташхисини, ички жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини даволашнинг умумий тамойилларини, TORCH-инфекцияси ва уларнинг хомиладорлик даврида олиб келаётган асоратлари ва даволаш тамойилларини;

-урогинекология асослари (сийдик пуфаги-кин окмалари, сийдик йуллари окмалари, сийдик тутолмаслик, гениталий аъзолари пролапси, сийдик пуфаги ятроген травмаси каби ҳолатлар клиникаси, ташхислаш ва даволаш;

-абортлар таснифи, этиопатогенези, олиб бориш,

асоратларини, медикаментоз абортни олиб бориш, асоратларини;

-трофобластик касаллик таснифи, клиникаси, ташхислаш ва даволаш усулларини;

-ривожланмаган хомиладорлик клиникаси, ташхислаш ва даволаш усулларини;

-эктопик хомиладорликни, найдаги хомиладорлик таснифи,

этиопатогенези, клиник шакллари, бузилган найдаги хомиладорликни клиник кечин хусусияти, симптоматикаси, киёсий ташхислаш, жарроқлик ва жарроқсиз даволаш усулларини,эктопик хомиладорликнинг кам учрайдиган турлари, шунингдек бачадон бўйидаги хомиладорликни,эктопик хомиладорлик прогнози ва кечки асоратларини;

-ташки жинсий аъзоларнинг асосий фон ва рақолди касалликлари (кўруроз, вульва лейкоплакияси) ташхислаш ва даволашни,бачадон бўйни фон ва рақолди касалликлари, клиникаси, ташхис ва даволашни;

-эндометрий рақолди касалликлари (атипик безли гиперплазия, нейрэндокрин синдром фонди безли гиперплазия кайтганиши)ни,эндометрий рақолди касалликларининг клиникаси, таъхислаш, гормонал ва жаррохлик усулли билан даволашни;

-эндометриоз таснифи, этиологиясини, эндометриознинг хар хил шаклларининг клиник кечishi, замонавий усуллар билан таъхислаш, даволаш тамойиллари, профилактикасини;

-бачадон миомаси, таснифи, патогенез, клиникаси, замонавий усуллар билан таъхислаш, консерватив ва жаррохлик даволашга кўрсатмалар, охибатини;

-тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини таснифи, клиникаси, таъхислаш, асоратлари, даволашни,тухумдонлар оддий кисталарини таъхислаш ва даволаш тамойилларини;

-гинескологияда уткир корин таснифи, клиникаси, таъхислаш ва даволаш усулларини;

-аёллар сексопатологияси таснифи, клиникаси, таъхислаш ва даволаш усулларини;

-белуштликининг таснифи, этиопатогенезини, замонавий таъхислаш усуллари ва даволашни;

-оилани режалаштириш тамойиллари, контрацепция усулларининг таснифини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-анамнез йнгиш, хавф омилларини баҳолаш;

-аёллар жинсий аъзолари касалликларини ва репродуктив тизим бузилиш фаолятини клиник, лаборатор ва инструментал таъхислаш ва даволаш;

-бирламчи в иккиламчи аменорея, бачадондан функционал ва органик кон кетишини таъхислаш ва даволаш;

-жинсий тизимнинг юқори ва пастки бўлимларининг яллигланish касалликларини таъхислаш, TORCH – инфекциясини даволаш;

-хөмиладорликнинг эрта даврида қон кетиш сабабларини аниклаш, даволаш ва кузатиладиган асоратларнинг олдини олиш;

-аёллар жинсий аъзолари фон ва рақолди касалликлари, тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини таъхислаш, уларни даволаш;

-лапаротомия ва лапароскопия жаррохлигини бажариш;

-функционал таъхислаш тестларини ўтказиш;

-кўкрак безларини пальпацияси, кўзгуларда кўрик, бямануал кўрикни ўтказиш;

-бачадон ампутацияси, экстирпацияси ўтказиш;

-тухумдон резекцияси, цистэктомия, аднексэктомияни ўтказиш;

-сальпингэктомия, сальпингостомияни ўтказиш;

-бачадон бўйни, қин ва оралик пластик жаррохлигини ўтказиш;

-бачадон бўшлигини кириш ва вакуум аспирацияни бажариш;

-медикаментоз аборт ўтказиш;

-гистероскопияни, гистеросальпингографияни ўтказиш;

- Паппаниколоу бўйича суртма олиш;

19. Эндометрий гиперпластик процесслари. Сабаблари. Клиникаси. Таъхислаш. Беморларни олиб бориш тактикаси. Даволаш усуллари: консерватив ва оператив.

4.2. Тасвия этиллаётган мустақил ишларнинг шакллари:

- тақдимотлар тайёрлаш;
- ўқув адабиётлари билан ишлаш;
- илмий журналлар билан ишлаш;
- интернет маълумотларини ўрганиш;
- беморлар курацияси;
- навбатчиликда туриш;
- вазиятли масала ва тестлар тайёрлаш;
- масофавий таълим технологиясидан фойдаланиш.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Гинекология модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машулотларида тренажер, мулж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатидан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш баённомаларида акс эттириш;
- тиббиёт ОГМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкилланган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик баённомларида акс эттириш;
- даволловчи ёки навбатчи шифокор билан беморлар курациясида ва куриқда ва жаррохлик амалиетида иштирок этиш;
- аёллар орасида инфекция профилактика ишларни, суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- модулнинг (фанинг) бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлар ва маърузалар қилиш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш ва тайёрлаш;

бойтадилар. Бунга модераторлар, тренерлар, шифокорлар бошчилигида тиббий ёрдам кўрсатиш ва мустақил ишлаш йўли билан эришилади. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида магистратура талабалари билимларини мустахкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, беморлар билан ишлаш, вазиятчи масалалар ечиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали магистратура талабаси билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдиротлар ва кўргазмалар курашлар тайёрлаш, қонун ва меъёрий ҳужжатлардан фойдалана билиш ва бошқалар тавсия этилади.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташиқил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари рўйхати:

1. Бачадон ва бачадон ортиқлари бойлам аппарати. Гениталий соҳаси қон ва лимфа айланиши. Аёллар жинсий аъзолари иннервацияси.
2. Қин тозаллик даражалари. Аёл организмга эстроген, гестаген, андрогеннинг биологик таъсири.
3. Шершевский-Тернер синдроми. Гонадалар дистенезияси.
4. Иценго-Кушинг касаллиги. Гигантизм. Акромегалия.
5. Гипоталамус функциялари ва касалликлари.
6. Гипофиз функциялари ва касалликлари.
7. Қалла суяги, ўпкалар, ОИТ рентгенографияси.
8. Заҳм. Гонорея. Сил.
9. Уреоплазмоз. Хламидиоз.
10. Токсоплазмоз. ЦМВ.
11. ОИВ/ОИТС.
12. Хорионэпителиома.
13. Рак этиологияси. Сут беши раки.
14. Беморларни операцияга тайёрлаш ва операциядан кейин олиб бориш.

Беморни жаррохлик столига жойлаш ва жароҳат майдонига ишлов бериш.

15. Аёллар сексопатологияси.
16. Бачадон ва кин ривожланиш нуқсонлари. Турлари. Ташхислаш. Оператив даволаш усуллари. Жинсий аъзолар нотўғри жойлашиши. Турлари. Ташхислаш. Оператив даволаш усуллари.
17. Сут беши касалликлари. Сут беши анатомияси ва функцияси. Мастопатия. Сабаблари. Клиникаси. Ташхислаш. Профилактикаси. Даволаш. Сут беши ўсмалари. Дифференциал диагностика.
18. Перименопауза. Климактерия фазалари. Климактерик синдром. Учраш частотаси. Патогенез. Клиник шакллари. Ташхислаш. Даволаш. Оқибати. Номедикаментоз даволаш усуллари. Аёлларда перименопаузада ўрин босувчи гормонлар терапияси принциплари.

- кенгайтирилган кольпоскопияни ўтказиш;
- парацервикал анестезияни ўтказиш;
- бартолин беши абсцессини, гематокольпоскни даволаш;
- орқа гумбаз пункциясини ўтказиш;
- бачадон бўйни полипини даволаш;
- бачадон ичи воситасини (БИВ) қўйиш ва олиб ташлаш,
- ихтиёрий жаррохлик замонавий даволашда репродуктив технологияри (овуляцияни стимуллаш, экстракорпорал урулантириш, сунъий инсеминацияси) қўникмаларига эга бўлиши керак.

3. Асосий назарий қисм

3.1. Модулдаги матбуза машғулоти мавзулари ва мазмуни, ташиқил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модулда матбуза машғулоти кўзда тутилмаган

3.2. Модулдаги амалий (семинар) машғулоти мавзулари, ташиқил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий (семинар) машғулоти мавзулари рўйхати:

1-маву: "Гинекологияда замонавий текшириш усуллари".

Гинекологик касалликлар симптоматология; гинекологик касалликлар диагностикасининг физикал методлари; гинекологик касалликлар диагностикасининг лаборатор методлари, масалан, клиник, биокимёвий, бактериологик, радиоиммун ва бошқалар; гинекологик касалликлар диагностикасининг инструментал методлари, масалан, пункция, биопсия, эндоскопик усулларнинг барча турлари ва бошқалар; гинекологик касалликларни рентгенологик ташхислаш усуллари (краниография, гистеросальпингография ва бошқалар); ультратовуш ташхислаш усуллари, масалан, трансабдоминал ва трансвагинал эхография, гинекологик касалликларни гормонал, ташхислаш усуллари; гинекологик касалликларни медико – генетик ташхислаш усуллари; аёллар репродуктив тизимнинг бузилишини функционал ташхислаш усуллари.

2-маву "Аёллар репродуктив тизимининг тузилиш, фаолияти ва унинг бошқарилиши. Репродуктив тизим ривожланишининг бузилиши".

Аёллар репродуктив тизимининг тузилиш, фаолияти ва ривожланиш давлари. Репродуктив тизимнинг бошқарилиш даражалари, бошқарилиш принциплари. Репродуктив тизим бузилишининг асосий таснифи, бу бузилишлар сабаблари, клиника, диагностика ва даволаш. Жинсий дифференциацияланиш бузилмаган ҳолда жинсий ривожланиш нуқсонини, клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Вақтидан олдин жинсий этилиш. Жинсий этилиши орқада қолиши. Жинсий дифференциацияланиш бузилганда жинсий ривожланиш нуқсонини, клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Туғма АГС, ГД, қин ва бачадон ривожланиш нуқсонлари.

3-маву "Аменорея. Бачадондан аномал қон кетиши. Номенстуал қон кетишлар (постконтал)".

Бирламчи аменорея таснифи, клиник шакллари, ташхислаш ва даволаш. Иккиламчи аменорея таснифи, клиник шакллари, этиопатогенези, ташхислаш, қиёсий ташхислаш ва даволаш. Тухумдонлар резистентлиги синдроми ва тухумдонлар бўшаб қолган синдроми, патогенез, клиника, ташхислаш ва даволаш. Бачадондан қон кетиш сабаблари, Турли ёшдаги аёлларда бачадондан қон кетиши. Бачадондан дисфункционал қон кетиши, уларнинг таснифи (органик генезли бачадондан аномал қон кетиши). Пубертат қон кетиши этиопатогенези, клиника, ташхис, даво, профилактика, оқибати. Репродуктив даврда БАҚҚнинг патогенези, клиникаси, ташхис, даволаш. Пременопаузал БАҚҚ, органик генезли қон кетишининг даволаш тамойиллари, сабаблари, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, даволаш ва оқибати.

4-маву "Гинекологияда нейрэндокрин синдромлар".

Менструация олди синдроми, учраши, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибати. Тухумдонларни бутунлай олингандан кейинги синдроми, патогенези, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибати. Гиперпролактинемия. Учраши. Патогенез. Клиника. Диагностика. Даволаш. Оқибати. Климатерик синдроми симптоматикаси, патогенези, диагностика, нофармакологик даволаш, ногормонал медикаментоз ва гормонал терапия, шунингдек, метаболлик бузилишлар (урогенитал тракт атрофик жараёнлари ва остеопороз) даволаш ва профилактикаси. Буйрак усти гиперадрогенимияси патогенези, клиникаси, қиёсий ташхислаш. Андрогенитал синдромнинг постпубертат шаклини даволаш. Бирламчи тухумдонлар поликистози (Штейн – Левенталя синдроми) патогенези, клиникаси, ташхислаш, даволаш ва профилактикаси. Иккиламчи тухумдонлар поликистози клиникаси, ташхислаш, даво ва профилактикаси.

5-маву "Кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари".

Қин микробиоценози, физиологик химоя механизми, яллиғланишда қин микрофлорасининг иштирок этиши. Кичик чанок аъзолари специфик яллиғланиш касалликлари, клиник шакллари, симптоматикаси, ташхислаш ва даволаш: гонорея, туберкулез, хламидиоз, уреаплазмоз ва вирусли касалликлар ва бошқалар. Кичик чанок аъзолари носпецифик яллиғланиш касалликлари, инфекция тарқалиш йўллари, таснифи, клиника, ташхислаш. Ички жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини даволашнинг умумий тамойиллари. Аёлларда урогинекологик муаммолар.

6-маву "Ҳомилдорликнинг биринчи ярмида қон кетиши". Эктопик ҳомилдорлик таснифи, этиопатогенези. Найдаги ҳомилдорлик, клиник турлари. Тўхтаган ва ривожланаётган эктопик ҳомилдорлик симптомлари ва белгилари. Дифференциал диагностика. Консерватив ва

- абортдан кейинги контрацепцияни ўтказиш.

9. Кичик гинекологик жаррохлик.

Ротация мақсади: Кичик гинекологик жаррохлик кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйидагиларни бажара олиши зарур:

- бартолин бези абсцессини, гематоколькоксени даволаш;
- орқа гумбаз пункциясини ўтказиш;
- бачадон бўйини полипини даволаш;
- бачадон ичи воситасини (БИБ) қўйиш ва олиб ташлаш амалиётини бажариш.

10. Гинекологик жаррохлик.

Ротация мақсади: Гинекологик жаррохлик кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйидагиларни бажара олиши зарур:

- лапаротомия ва лапароскопия жаррохлигини бажариш;
- гистерэктомия: бачадон ортиклари ва ортикларисиз ампутациясини бажариш;
- бачадон экстирпацияси, бачадон қин орқали экстирпацияси бажариш;
- олд ва орқа кольпорафия, бачадонни вентрофиксацияни ўтказиш;
- тухумдон резекцияси, цистэктомия, аднексэктомияни ўтказиш;
- сальпингэктомия, сальпинголизис, сальпингостомияни ўтказиш;
- бачадон бўйини, қин, оралиқнинг пластик жаррохлик амалиётини ўтказиш;
- ихтиётли жаррохлик стерилизацияси (ИЖС) амалиётини бажариш.

11. Онкогинекология.

Ротация мақсади: Фон ва рақолди касалликларини ташхислаш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини олиб бориш; ҳамда реабилитация чора-тадбирларини олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қўйидагиларни бажара олиши зарур:

- олдий ва кенгайтирилган кольпоскопияни ўтказиш;
- бачадон бўйини раки скринингини ўтказиш;
- кўкрак безларини пальпациясини ўтказиш;
- аёллар жинсий аъзолари фон ва рақолди касалликларини ташхислаш, уларни даволаш;
- тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини ташхислаш, уларни даволаш.

Модул давомида ўқув (клиник) амалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Назарий машғулотларда олган билим ва кўникмаларни беморларни қабул қилиш, куриш, кузатиш ва олиб бориш орқали мустақамлайдилар ҳамда янада

Ротация мақсади: Гинекологик касалликларни нурли диагностика усуллари орқали ташхислаш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйдагиларни бажара олиши зарур:

- рентгенологик текширувлар натижаларини таҳлил қилиш;
- гистеросальпингографияни ўтказиш;
- КТ, МРТ текширувлар натижаларини таҳлил қилиш.

6. Гинекологик реанимация ва интенсив терапия.

Ротация мақсади: асоратлари бўлган аёлларни реанимация ва интенсив даволаш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйдагиларни бажара олиши зарур:

- асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;
- геморрагик шокка қарши курашиш;
- ТТКЦИ-синдромини даволаш;
- шовилнич холатларда биринчи ёрдам кўрсатиш.

7. Стационар бўлим.

Ротация мақсади: гинекологик касалликларни ташхислаш, олиб бориш усуллари ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйдагиларни бажара олиши зарур:

- аёллар жинсий аъзолари касалликларини ва репродуктив тизим фаолиятини бузилишини клиник, лаборатор ва инструментал ташхислаш;
- кин кўзгулари ёрдамида гинекологик текширувни ўтказиш;
- кин ақралмасининг тозалик даражасини аниқлаш;
- цервикал каналдан суртма олиш;
- функционал ташхислаш тестларининг таҳлил қилиш;
- бирламчи ва иккиламчи аменорея, бачадондан аномал ва органик кон кетишни ташхислаш ва даволаш;
- хониладорликнинг эрта даврида кон кетиш сабабларини аниқлаш, даволаш ва кузатиладиган асоратларнинг олдини олиш;
- жинсий тизимнинг юқори ва пастки бўлимларининг яллиғланиш касалликларини ташхислаш, TORCH – инфекциясини даволаш;
- кўкрак безларини пальпацияси, кўзгуларда кўрик, бимануал кўрикни ўтказиш.

8. Абортлар.

Ротация мақсади: хониладорликнинг биринчи ярмида кон кетиш сабабларини аниқлаш, даволаш ва кузатиладиган асоратларнинг олдини олиш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба кўйдагиларни бажара олиши зарур:

- бачадон бўшлигини кириш ва вакуум аспирацияни бажариш;
- парацервикал анестезияни ўтказиш;
- медикаментоз абортни ўтказиш;

жаррохлик даволаш усуллари. Эктопик хониладорликни камдан-кам учрайдиган турлари, масалан, бўйин-бўйинолди турлари, уларни даволаш, охибати ва даволаш натижалари.

Абортлар таснифи. Аборт хавфи. Тўлиқ ва чала аборт. Йўлдаги аборт. Ривожланмаган хониладорлик. Елбўғоз. Хориокарцинома. Диагностика. Даволаш. Асоратлари.

7-маву “Оператив гинекология”

Кичик гинекологик операциялар: бачадон бўшлигини кириб тозалаш, вакуум аспирацияси, кин орқа гумазидан кичик чанок пункцияси, бачадон бўйни полипини олиб ташлаш, бартолин безини абсцессини ёриш, гематокольпексени ёриш, БИВ куйиш ва олиш, аёлни стерилизация қилиш операцияси. Кўрсатмалар. Шароит. Техникаси. Асоратлари. Интeррeпитация.

Катта гинекологик операциялар: ИЖК-най оклюзияси, вазэктомия. Гистероскопия (диагностик, даволаш). Лапароскопия (диагностик, даволаш). Бачадон ортқари билан, ортқарисиз ампутацияси. Бачадон ортқари билан, ортқарисиз экстирпацияси. Бачадон кин орқали экстирпацияси. Олдинги кольпорафия.Сийик пуфаги реозицияси. TVT операцияси, вентрофиксация. Орқа кольпоперинеолеваторопластика. Бачадон бўйни пластик операциялари. Бачадон бўйни Шредер, Штурмдорф и Эммет бўйича ампутацияси. Аднексэктомия. Тубэктомия. Найлар пластик операциялари: Туботомия. Сальпингостомия, Неофимбриопластика, Сальпингоовариоллизис, сальпинго-сальпингоанастомоз, бачадонга найлар имплантацияси. Тухумдонлар резекцияси. Цистэктомия. Овариоэктомия. Ташқи жинсий аъзолар пластик операциялари: жинсий лаблар, клитор пластикаси, гименоластика, кин тўсигини кесиб олиб ташлаш. Кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар, шароит, асоратлари, ва улар профилактикаси.

8-маву “Аёллар жинсий аъзолари фон ва рақолди касалликлари”:

Бачадон ва тухумдонлар хавфсиз ўсмалари. Эндометриоз, таснифи, этиологияси. Эндометриознинг хар хил шакллариининг клиник кечishi, замонавий усуллар билан ташхислаш, даволаш тамойиллари, профилактикаси. Бачадон миомаси, таснифи, патогенез, клиникаси, замонавий усуллар билан ташхислаш. Бачадон миомасини консерватив ва жаррохлик даволашга кўрсатмалар, оқибати. Тухумдонлар хавфсиз ва хавфли ўсмаларини таснифи, клиникаси, ташхислаш, асоратлари, даволаш. Тухумдонлар олдий кисталарини ташхислаш ва даволаш тамойиллари. Ташқи жинсий аъзоларининг асосий фон ва рақолди касалликлари (крауроз, вульва лейкоплакияси) ташхислаш ва даволаш. Бачадон бўйни фон ва рақ олди касалликлари, клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Эндометрий рақолди касалликларини клиникаси, ташхислаш, гормонал ва жаррохлик усулди

билан даволаш. Бачадон бўйни ва танаси раки. Бачадон бўйни раки скрининги.

9-мавзу “Бепушт никоҳ. Аёллар сексопатологияси. Контрацепция методлари. Репродуктив технологиялар”:

Бепушт оила. Контрацепция усуллари. Оилани режалаштириш. Аёллар бепуштлигини таснифи, этиопатогенези. Эндокрин бепуштлиkning этиологияси, даволашнинг ва текширишнинг замонавий усуллари. Най – перитонеал бепуштлик этиологияси, ташхислаш, даволаш усуллари. Иммунологик бепуштлик этиология, замонавий ташхислаш усуллари ва даволаш. Аёллар бепуштлигини текшириш тамойиллари. Замонавий репродуктив технологиялар (овуляцияни стимуллаш, ЭЖУ, сунъий инсеминацияси). Оилани режалаштириш асослари, контрацепция усуллари таснифи. БИВ турлари, қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлари, асоратлари, қўйиш ва олиш усули. Гормонал контрацепция қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлари, асоратлари (тезкор контрацепция, ёшлар учун ва 35 ёшдан катталар учун контрацепция). Контрацепциянинг тўсик усули, физиологик усули (лактацион аменорея ва табиий усуллар), ИЖК (най окклюзияси, вазэктомия) кўрсатма, қарши кўрсатма, асоратлари ва усуллари.

10-мавзу “Аёлларда урогинекологик муаммолар”.

3.2.2. Амалий (семинар) машғулотларини таъкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга илмий унвон (илмий даража)га ва камида 3 йиллик узлуксиз илмий-педагогик (илмий) иш стажига эга бўлган, шунингдек хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари билан бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотлар мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва х.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгаланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар

Модул давомида эгаланадиган ротацция ва амалий кўникмалар рўйхати:

1. Оилавий поликлиника

Ротацция мақсади: Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитларида ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, аёлларга бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:

- ОП ва ҚВП да ишни ташкил қилиш;
- аёлларга маслаҳат бериш;
- гинекологик касалликлар билан беморларни сўраб-суриштириш ва кўздан кечирини;
- бирламчи бўғини шароитида аёлларда кўп қўлланиладиган ташхислаш усуллари қўллаш (кўзгуларда текшириш; бимануал текширув);
- фон ва рақолди касалликлар скринингини ўтказиш;
- гинекологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш;
- соғлом она-соғлом бола тарзи бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.

2. Гинекологияда ультратовуш ташхислаш

Ротацция мақсади: Гинекологик касалликларни ташхислаш кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:

- ультратовуш текширув натижаларини таҳлил қилиш;
- тахминий ташхисни қўйиш.

3. Гинекологияда гормонал ва тиббий-генетик текширув мезони

Ротацция мақсади: Гинекологияда гормонал ва тиббий-генетик текширув кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:

- тиббий – генетик текширувлар ўтказиш;
- гормонал текширувлар ўтказиш;
- текширув натижаларини таҳлил қилиш.

4. Гинекологик амалиётда эндоскопик ва функционал диагностика

Ротацция мақсади: эндоскопик ва функционал текширув кўникмаларига эга бўлиш.

Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:

- репродуктив тизимнинг функционал тестлар текширувларини ўтказиш;
- аёлларда эндоскопик (гистероскопия, лапароскопия) текширувларни ўтказиш;
- текширув натижаларини таҳлил қилиш.

5. Гинекологик амалиётда нурли диагностика